

## “ФАЛСАФА” ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ ЗАМОНАВИЙ ИНОВАЦИЯЛАР ВА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Зулхайдарова Ф.У.

ГулДУ, ўқитувчи

### **Аннотация**

Сўнгги йилларида жаҳон миқёсида “инновацион” таълимни ривожланиш долзарб муаммога айланди. Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажаккка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришдир.

Ушбу мақолада илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ва уларнинг ечими борасида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Инновацион таълим, инновацион технологиялар, педагогик технологиялардан, ”Блиц-сўров” усули, ФСМУ технологияси, Ёзма баҳс (дебат) усули.

XX асрнинг сўнгги йилларида жаҳон миқёсида “инновацион” таълимни ривожланиш долзарб муаммога айланди. Ҳозирги кунда унинг турли давлатларда хилма-хил шаклда намоён бўлишида қўидаги умумий жиҳатлар ёрқин намоён бўлмоқда:

- 1) ижтимоий амалиёт ривожланиши эҳтиёжлар ва олий таълим битирувчиларининг реал тайёргарлик даражасининг ўзаро мослигини таъминлаш;
- 2) олий таълим муассасаларида янги мақсадларнинг қўйилиши ҳамда бошқарувнинг ташкилий тузилиш ва шаклларининг мураккаблашуви;
- 3) таълим жараёни субъектларининг қизиқиш ва имкониятларининг ортиши.

Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим олувчиларда келажаккка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришдир. Ж.Боткин бошчилигидаги олимлар груп “Рим клуби” маъruzасида инновацион таълимни анъанавий, яъни “норматив” таълимга муқобил сифатида билимларни эгаллашни асосий тури сифатида тавсифлади. Нормативли таълим “такрорланувчи вазиятларда фаолият хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришга йўналтирилган” бўлса, инновацион таълим янги вазиятларда биргаликда харакатланиш қобилиятини ривожлантиришни кўзда тутади.

Инновацион технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Уларга ўкув жараёнидаги янги шаклдаги интреактив усуллар киради. Бу технологиялар бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларнинг жумладан, Америка Кўшма штатлари, Германия, Япония ва Россия давлатларининг олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда қўидаги инновациялар ва таълим технологиялари қўлланилмоқда. Булар қўидагилардир: 1) кичик груухларда ишлаш;

2) ақлий хужум усули; 3) ролли ўйинлар; 4) "Блиц-сўров" усули; 5) ФСМУ технологияси; 6) Ёзма баҳс (дебат) усули; 7) ўз позициясини эгаллаш; 8) Дискуссия; 9) Кейс-стади усули ва бошқалар.

XXI асрда Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устивор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида файласуф олимларимиз зиммасига тегишли ўқув фанлари бўйича ўқув адабиётларини ҳозирги давр талаби ва илм-фаннынг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш, таълим жараёнига инновация ва таълим технологияларини жорий этишни тақозо этмоқда.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда. "Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир".

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжудки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қиласи. Бундай долзарб муаммолар сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин: 1)

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмас.

2) Профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда услубий қоидаларга тўлиқ риоя этишлари зарур. Интерфаол усуллар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши керак.

3) Таълим технологияларини яратиш учун профессор-ўқитувчилар ўқув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни кутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўниумасига эга бўлишлари лозим.

4) Олий таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиши тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим.

Замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамоатчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият

ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёнларида кўзга яқол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумхамжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур. Бугунги кунда таълимнинг жамият ривожланиш суръатларидан орта қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги масала дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда. Чунки таълим ҳам ижтимоийлаштириш вазифасини бажарувчи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар ортидан бориши ҳамда унинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши керак. Бироқ жамият ривожланиши ва таълим тизими ўртасидаги муносабат мураккаб кўринишга эга бўлиб, юқори даражадаги жўшқинлик билан фарқланади. Таълим барча фаол ва суст ўзгаришлар таъсирини қабул қиласкермайди, жамиятда бўлаётган воқеаларга эса ўз таъсирини ўтказади. Ана шу нуқтаи назардан таълимдаги ўзгаришлар фақатгина натижадаги сифатида эмас, балки жамиятнинг келгусидаги ўзига хос ривожланиш шартидир.

Ўқув жараёни билан боғлиқ бўлган таълим сифатини белгиловчи ҳолатларга жиддий эътибор бериш, унда юқори педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маъruzалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тариқасида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланишга ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, талабалар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб килишдан иборатдир.

“Фалсафа” фанини лойиҳалаштиришда куйдаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланиш зарурдир.

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини қўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогик ёндошув.** Бу ёндошув ўкув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим оловчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргалиқда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим оловчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни обектив қарама-қаршилиги ва уни хал этиш усулларини, диалектик мушоходани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

**Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўкув жараёнига қўллаш.**

**Ўқитишининг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

**Ўқитиши ташкил этиш шакллари:** диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гурух.

**Ўқитиши воситалари:** ўқитишининг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникасия усуллари:** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блис-сўров, оралиқ ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини тахлили асосида ўқитиши диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари:** ўкув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўкув машғулотларини режалаштириш, қуйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргалиқдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўкув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишининг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириклари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

**Фанни ўқитиша замонавий ахборот ва педагогик технологиялар.** “Фалсафа” фани талаба ёшларнинг мустақил фикрлашини рағбатлантирадиган, фалсафий асарларни кунт билан ўқиши ва ўзлаштириши, маънавий соҳадаги масала ва муаммолар бўйича эркин фикр юритиш қобилиятини ўстирадиган янги педагогик технологиялар асосига қурилади. “Фалсафа” фанини ўқитиши жараёнида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, объективлик тамойилларига амал қилингани ҳолда “Ақлий хужум”, “ФСМУ”, “Кейс-стадис”, “Бумеранг”, “Кластер”, баҳс-мунозара, презентация каби замонавий педагогик технология воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

“Фалсафа” фанини ўқитиши жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича талabalар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. “Интернет” тармоғидаги расмий сайтлардан тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида якуний назоратлар ўтказилади.

### Адабиётлар

1. Фалсафа. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
2. Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т.: Ахборот технологиялари. 2008.